

589 - وَعَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: حَطَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَطًا مُرَبَّعًا، وَحَطَّ حَطًا فِي الْوَسْطِ خَارِجًا مِنْهُ، وَحَطَّ حُطُطًا صِغَارًا إِلَى هَذَا الَّذِي فِي الْوَسْطِ مِنْ جَانِبِهِ الَّذِي فِي الْوَسْطِ، فَقَالَ: «هَذَا الْإِنْسَانُ، وَهَذَا أَجْلُهُ مُحِيطًا بِهِ - أَوْ قَدْ أَحْاطَ بِهِ - وَهَذَا الَّذِي هُوَ خَاجٌ أَمْلُهُ، وَهَذِهِ الْخُطَطُ الصِّغَارُ الْأَعْرَاضُ، فَإِنْ أَخْطَأَهُ هَذَا، تَهْشَهُ هَذَا، وَإِنْ أَخْطَأَهُ هَذَا تَهْشَهُ هَذَا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6417].

589. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам ерга түртбурчак чиздилар. Ўртасига ундан ташқарига чиқадиган қилиб бир чизик чиздилар. Мана шу ўртадагисининг икки ёнига кичкина чизиклар чиздилар ва шундай дедилар: «Мана бу инсон. Мана бу уни ўраб турадиган [ёки ўраб турган] ажали. Мана бу, ташқаридагиси - унинг орзуси. Мана бу кичик чизиклар кўргиликлар. Буниси тегмай қолса, униси домига торгади, униси тегмай қолса, буниси домига торгади».

Ином Бухорий ривояти.

Шарх: Инсонни чап ва ўнг тарафидан келаётган бало ўқлардан Аллоҳ таоло ҳимоя қилиб сақлаб қолмоқда. Бу ҳақдаги бир оят шундай:

“Олдингиздан ва орқангиздан эргашган пойлоқчилар бордир. Сизларни Аллоҳнинг амри билан қўриқлаб турадилар. Бир халқ, ўз ичидаги бирон нарсани бузмагунигача Аллоҳ ҳам уни бузмайди. Агар Аллоҳ бир халқка ғам-ташвиш беришни истаса, ҳеч ким тўхтата олмайди. Улар билан Аллоҳни ўртасига тушадиган бирон бир дўстлари ҳам йўқдир” (Раъд сураси, 11-оят)

Инсон бу дунёда яшар экан, Аллоҳ таоло томонидан турли хил дард ва ғам-


ташвишлар билан синалади. Инсоннинг бирор дардга чалиниши ёки бошига турли хил ташвишлар тушишининг сабаблари кўп. Улардан баъзилари Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган ишларни қилиб юрган инсонларни огоҳлантириш, уларни ҳушёр торттириш ёки жазолаш учун юборилса, баъзилари эса мўмин инсонларга шунчаки синов тариқасида берилади.

Аслида, буларнинг барчаси Аллоҳ таолонингadolатидан, бандаларига меҳрибонлигидан, шу синовлар орқали бандасининг даражасини кўтариш ва яна ажру мукофотлар ҳам беришидан далолатdir.

Бошига турли синовлар тушган баъзи инсонлар Аллоҳ таолога юзланишни тарк қиласидилар, ўз тақдирларидан норози бўлиб, бу ҳақда ҳаммага шикоят қиласидилар. Лекин ўз қилган гуноҳларини тан олиб тавбага шошилиш, дуода бўлишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бундай ҳолатга тушиш бадбаҳтлик аломатидир.

Бошқа бир инсонлар эса ундаи пайтларда дарров ҳушёр тортиб, тавбага, истиғфорга шошиладилар. Уларнинг юзида ғам-ташвиш аломатлари намоён бўлса-да, тилларида Аллоҳдан шикоят қилиш, дилларида нафрлатаниш деган нарса бўлмайди. Аксинча, аввалгидан ҳам кўпроқ зикр ва ибодат билан машғул бўладилар. Бу ҳолат Аллоҳнинг ўша бандага муҳаббатининг зиёдалиги ва охиратда унинг даражасини юқори кўтаришининг аломатидир.

Бу дунё ғам-ташвиш ва синовлардан холи эмасдир. Шундай экан, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон билан соғлик ва касаллик, хурсандчилик ва хафагарчилик, роҳат ва ғам-ташвиш бирга юради. Яъни, инсон ўзига жон ато этилганидан бошлаб токи ўша жони танасини тарк этгунича синовлар гирдобида, фақат сабр-тоқат билан ва мاشаққатда ҳаёт кечиради. Аллоҳ таоло айтганидек: «Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик» («Балад» сураси, 4-оят). Аллоҳ таоло дунё ҳаётини яратди ва уни ғам-ташвишлар, дард-аламлар, меҳнату машаққатлар ҳовлиси қилди. Мазкур ҳадис айни биз айтган фикримиз билан боғлиқдир.



Манба: hadis.islom.uz

